# Куч — адолатда

2010 йил,
7 октябрь,
пайшанба
№ 40 (294)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

### бу — соғлом, билимдон ва баркамол ёшлардир




**Президентимиз таъкидлаганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш мақсади туради.**

Зеро, ёшлар — миллат келажаги. Уларни жисмонан, ақлан, руҳан етук қилиб тарбиялаш нафақат оила, балки жамият олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Шу маънода юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар саломатлигини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани аҳамиятга молик. Президентимизнинг 2010 йил 27 январда қабул қилинган **«Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида**»ги қарори айни йўналишда муҳим дастуриламал бўлаётир. Аслида бу каби эзгу ишлар юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошланган жисмоний ва маънавий етук ёш авлодни шакллантиришга оид давлат сиёсатининг узвий давомидир.

Дарҳақиқат, ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорини рўёбга чиқариш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдир. Бу мезон Бош қомусимизда ҳам ўз ифодасини топган. Унда белгиланганидек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Келажак авлоднинг жисмонан бақувват бўлиб вояга етишида болалар спортини ривожлантириш алоҳида ўрин тутади. Бу борада мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб жорий этилган уч босқичли ягона спорт ўйинлари тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари ёш авлодни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг спортга қизиқишини, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ошириш борасида беқиёс аҳамият касб этмоқда. Шунга мувофиқ, фарзандларимиз нафақат юртимизда, балки Осиё ва жаҳон мусобақаларида ғолибликни қўлга киритмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 5 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**

## Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бунинг амалий натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Қорақалпоғистонда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 5,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 9,1 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш 16,9 фоиз, хизмат кўрсатиш 12,4 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 13,5 фоиз ортди.

Иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳудудий корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,8 фоиз ўсиши таъминланди. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Кегейли туманидаги "Давлат" фермер хўжалигида бўлиб, фермерлар, ёшлар вакиллари билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз мураккаб экологик шароитда яшаб, меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон халқининг иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида, хусусан, пахтачилик ва ғаллачиликда эришаётган ютуқларига юксак баҳо берди. Давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини биринчилардан бўлиб бажарган Оролбўйи миришкорларини самимий табриклади.

Президентимиз фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида тўхталар экан, таъминот масаласига яна бир бор эътибор қаратди.

— Деҳқонга зарур шароит яратиб бериш даркор. Шундагина у юксак натижаларга эриша олади, — деди Ислом Каримов. — Уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғит, имтиёзли кредит муаммоларини вақтида ҳал этиш зарур. Айниқса, Қорақалпоғистон шароитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Учрашувда қорақалпоғистонлик фермерлар қишлоқ аҳлига кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Юртбошимизга самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

— Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ютуқларимизнинг асосий омили бўлаётир, — деди Элликқалъа туманидаги "Фарҳод Қўшназаров" фермер хўжалиги раҳбари Халилла Қўшназаров. — Деҳқончилик маданияти йил сайин юксалиб бормоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишлар ҳосилдорликни ошириш имконини бераётир.

(Давоми иккинчи бетда)

*Yangi qonun mohiyati*

**Ватанимиз мустақиллигининг ўтган даврида жамият ҳаётининг барча жабҳасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг аниқ самарасини бермоқда. Хусусан, миллий қонунчилик тизимининг такомиллашаётгани ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг ошишига хизмат қилаётир. Айни пайтда жамиятнинг барча соҳасини тартибга солишга қаратилган миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.**

## Кафолатли нотариал ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш

### бу борада ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

2010 йилнинг 14 сентябрида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ва шу кундан эътиборан кучга кирган **«Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун ҳам айнан шу мақсадда қабул қилинган. Ўн икки моддадан иборат ушбу қонун 2010 йил 12 августда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 28 августда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майдаги **«Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»**ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган.

(Давоми учинчи бетда)

*Islohot va samara*

**2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун суд амалиётида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини кенгроқ қўллаш имкониятини яратди.**

## Мулкий зарар

### у ихтиёрий тарзда қопланганда қонун енгиллик беради

Эндиликда жиноят содир этган шахс ўзи етказган зарарни судга қадар ихтиёрий равишда тўлиқ қопласа, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилади.

Ушбу қонун кучга кирган вақтдан буён ўтган муддат мобайнида жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоятининг туман ва шаҳар судларида Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисмига кўра, 977 та иш бўйича 1407 шахс томонидан 7 миллиард 613 миллион 220 минг 170 сўм, вилоят судида эса 43 та иш бўйича 59 нафар шахс томонидан 1 миллиард 682 миллион 672 минг сўмдан зиёд етказилган мулкий зарар ихтиёрий қопланганлиги учун айбдорларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Ёки 2001 йилнинг 18 октябридан шу йилнинг 1 июлига қадар Жиноят кодексининг 184-моддаси 4-қисмига асосан 33 та иш бўйича 35 нафар шахс етказган 150 миллион 100 минг сўм зарарни ўз ихтиёри билан қоплагани туфайли уларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилди.

(Давоми иккинчи бетда)



*Mezon*

## Қонуний жазо

### унда айбни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар акс этади

**Бу ҳаётда кимнингдир эҳтиётсизлик туфайли ёки оқибатини англамай ёхуд қасддан содир этган жиноятига оид материаллар судда батафсил ўрганиб чиқилар экан, бу жараёнда жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг рўй беришига олиб келган ҳолатлар, ушбу жиноятнинг олдини олиш учун зарур бўлган жиҳатларга эътибор қаратилади, айбдорнинг хатти-ҳаракатларида жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлиги текшириб кўрилади.**

Жиноят кодексининг 34-моддасида «Рецидив жиноят» тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, шахснинг муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин яна қасддан жиноят содир этиши рецидив жиноят саналади. Бундай жиноятни содир этган шахс хавфли ёки ўта хавфли рецидивист деб топилади.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этсак, судланувчи Салим Раҳмонов ўттиз беш ёшида бешинчи марта суднинг қора курсисига ўтирди. У муқаддам гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этиб, жазоланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади.

(Давоми учинчи бетда)

*Huquq va burch*

## Ер — умуммиллий бойлик

### ундан оқилона фойдаланиш бурчимиздир

**Бош қомусимизга мувофиқ, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат томонидан муҳофаза қилинади.**



Табиат бизга инъом этган бойликлардан бири бу — ердир. Зеро, ер — ризқ-рўзимиз манбаи. Биз ерни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, турли офатлардан сақлаш билангина уни чинакам хазинага айлантиришимиз мумкин.

БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда эрозия ва дефоляция натижасида 8 миллион гектар ҳайдаладиган ер ўнгланмайдиган ҳолда қишлоқ хўжалиги ҳисобидан чиқиб қолмоқда. Кўплаб ҳар хил пестицидларни ишлатиш ҳам тупроқ қатламларига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун кейинги йилларда бутун дунёда минерал ўғитлар ишлатишни камайтириш ва пестицидлардан умуман фойдаланмасликка эътибор қаратилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

*Islohot va samara*

# Мулкий зарар

## у ихтиёрий тарзда қопланганда қонун енгиллик беради

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Убайдулла Аввалбоев «Жиззахсувқурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келган. У жамият ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хизматлар кўрсатиш, маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартномалар тузиш ваколатидан қасддан фойдаланган. У Абдурашид Тайлонов орқали Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманидаги ўқув ишлаб чиқариш корхонаси бош ҳисобчиси, кейинчалик директор вазифасини бажарувчи сифатида фаолият юритган Хурсанд Жонзоқов билан танишган ва улар ўзаро жиноий



тил бириктиришган.

Ўқув ишлаб чиқариш корхонаси дағал бўз ва бир ўринли матрац ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлса-да, 2009 йилнинг 2 февралида ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ва «Жиззахсувқурилиш» ОАЖ ўртасида 16 тонна, қиймати 32 миллион сўмлик арматура қурилиш материаллари етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган. ОАЖ банк орқали маблағни ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобига ўтказиб берган. У.Аввалбоев билан Х.Жонзоқов шу тариқа маблағни талон-торож қилишган.

Нафсини жиловлай олмаган У.Аввалбоев кейинги гал Нуриддин Мажидов деган кимса билан танишади. Н.Мажидов Бахмал туманидаги хусусий фирмалардан бирини норасмий бошқариб келаётганди. ОАЖ ва хусусий фирма ўртасида 18 миллион сўмлик 10 тонна арматура, 11 миллион сўмлик тахта-ёғоч материаллари етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланади. Унга асосан хусусий фирма ҳисобига ўтказиб берилган 29 миллион сўмдан 13 миллион сўмини накд пул тарзида Н.Мажидовдан У.Аввалбоев олади.

Фақат бу эмас. У.Аввалбоев масъул лавозимда ишлаган даврида вазифасига лоқайд муносабатда бўлиб, Президентимизнинг 1995 йил 12 майдаги **«Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш тўғрисида»**ги Фармони талабларини бузган.

2009 йил 1 июлда ОАЖнинг дебитор қарзи 181 миллион 300 минг сўм, шундан муддати ўтган қарз 104 миллион 500 минг сўмни, кредитор қарзлари 196 миллион 300 минг сўмни, шундан муддати ўтган қарз 41 миллион 900 минг сўмни ташкил этган бўлса-да, дебитор қарзларни ундириш, кредитор қарзларни тўлаш чораларини кўрмаган. Оқибатда жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар етган.

Шу йилнинг 11 февраль куни биринчи босқич суди Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбланган Убайдулла Аввалбоев, Нуриддин Мажидов, Хурсанд Жонзоқовга доир жиноят ишини кўриб чиқди. Суд ҳайъати судланувчилар томонидан «Жиззахсувқурилиш» ОАЖ га етказилган 58 миллион 818,1 минг сўмлик зарар тўлиқ қопланганлигини эътиборга олди.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорида «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар кўпинча бошқа жиноятлар, масалан, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, мансаб сохтакорлиги ва шу сингари жиноятлар билан биргаликда содир этилади. Суд ҳар бир шундай иш бўйича моддий зарарни қоплаган шахсга нисбатан талон-торож қилганлик учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлар экан, ишнинг муайян ҳолатларини инобатга олиб, унинг бошқа жиноятлари учун, агар бу жиноятларни содир этганлик учун қонунда муқобил жазолар назарда тутилган бўлса, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини муҳокама этиши шарт», деб белгиланган.

Суд Пленум қарорининг ушбу раҳбарий тушунтиришидан ҳамда Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисмида кўрсатилган **«Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди»** деган талабдан келиб чиқди. Шунингдек, судланувчиларнинг муқаддам судланмаганлиги, оилали бўлиб, қарамоғида фарзандлари борлиги каби жиноятни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олди.

Суд У.Аввалбоевга Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган асосий ва қўшимча жазоларни бир-бирига қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун икки йил олти ой муддатга мансабдорлик вазифаларида ишлаш муайян ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда муддати уч йилга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди. Шу билан бирга унга энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Судланувчилар Н.Мажидов ва Х.Жонзоқовлар бир йил олти ой муддатга мансабдорлик лавозимларида ишлаш муайян ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда муддати уч йилдан ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинди.

Кўриниб турибдики, мулкий зарар кўп миқдорни ташкил этган. Аммо етказилган зарар қопланганлиги учун суд уч оила бошлиғини жамиятдан ажратмаган ҳолда нисбатан енгилроқ жазолашни лозим топди. Бу айбига иқрор ва қилмишидан пушаймон бўлиб хатосини тузатишга интилган фуқаролар учун қонунчилигимизда акс этган бағрикенглик ифодасидир. Бундай инсонпарварлик фуқароларга тўғри ва ҳалол яшаш, жамият ривожига ҳисса қўшиш учун берилган имкон эканини унутмаслик керак.

**Мўмин ШУКУРУЛЛАЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Жиззах вилояти судининг раиси**

# Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Кегейли туманида иқтисодий-ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, банк тизимини такомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз сувсизликка чидамли, эртапишар пахта навлари устида чуқур илмий изланишлар олиб бориш, уларни Қорақалпоғистон шароитида районлаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмушини янада яхшилаш, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, бу борада барча тоифадаги раҳбарлар масъулиятини янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Мақсадимиз биз кураётган ҳуқуқий-демократик жамиятни, яъни адолатли давлатни янада мустаҳкамлашдан иборат, — деди Президентимиз. — Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Бу назоратни тўғри йўлга қўйсак, шу йил 20 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлиси минбаридан айтган мақсадларимизга албатта етамиз.

Юртбошимиз истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган оламшумул ютуқлар хусусида, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, миллатнинг генофондини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар бераётган юксак самаралар тўғрисида сўз юритди. Истиқлол йилларида одамларимизнинг ўртача умр кўриши 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга етгани ана шундай самаралардандир.

Президентимиз Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланганини, қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқариб, сув ҳажми 13 марта камайганини, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоқ заминидаги учрашувда бу долзарб масалага яна бир бор эътиборни қаратди.

— Орол тақдири — миллион-миллион инсонлар тақдири демакдир, — деди Ислом Каримов. — Шундай экан, биз ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги учун курашмоғимиз зарур.

Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, қорақалпоғистонлик олим Ғайратдин Хўжаниёзов, Қорақалпоғистон Республикаси деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири Узоқбой Айтжонов, Нукус шаҳридаги 1-академик лицей ўқитувчиси Пошшагул Камолова ва бошқалар Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратаётган доимий эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Кегейли тумани Халқобод шаҳарчасидаги гўштни қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишди.

"Кегейли бўян" Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси қошида ташкил этилган, аҳолига 30 хилдаги колбаса маҳсулотлари етказиб бераётган мазкур кичик корхона ишга туширилиши муносабати билан 25 киши доимий иш билан таъминланди. Корхонага хорижий инвестиция ҳисобидан замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Бу ерда кунига 4,5 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Компьютерлар ёрдамида бошқарилаётган ишлаб чиқариш технологияси асосан ёшлар томонидан юритилмоқда.

Корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорга, балки қўшни давлатларга ҳам етказиб берилаётир. Корхона таъсисчиси — "Абил-боғ" фермер хўжалигида айни кунларда бўрдоқичилик комплекси барпо этилмоқда.

Президентимиз Нукус шаҳар марказий майдонида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгиланмоқда. Шаҳар марказидаги майдонда барпо этилган яшил майдон ва унга кўрк бағишлаб турган олти фаввора Нукус қиёфасига ўзгача таровaт бағишлади. Майдон ўртасида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкали қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожи, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз шаҳар марказий майдонининг умумий кўринишига монанд замонавий меъморлик услубида бунёд этилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг янги биносини кўздан кечирар экан, ушбу майдон ва унинг атрофидаги бинолар бир-бирига уйғун, муайян маъно-мазмунга эга яхлит композиция ташкил этганини таъкидлади. Майдонга маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос дарахт кўчатлари ўтқазиш, ландшафт дизайни устида янада пухтароқ ишлаш юзасидан тавсиялар берди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида талабалар бугунги кунда тўрт йўналиш бўйича замонавий таълим стандартлари асосида илм-фан сирларини ўрганмоқда. Университетнинг янги ўқув биносида талабалар учун барча қулайликлар яратилган.

Президентимиз мазкур билим даргоҳида бўлиб, таълим жараёни, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди, талабалар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз ахборот асри деб номланган XXI асрда ҳаётни информацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини, қорақалпоқ ёшлари ўз салоҳияти билан дунёга янада фаолроқ чиқиши, бошқалардан кам эмаслигини исботлаши лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар замирида инсон манфаатлари мужассам экани Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**Аминбой ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

*Huquq va burch*




**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ердан оқилона фойдаланиш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш бўйича бекиёс ишлар амалга оширилди.

Ер ресурсларининг ҳуқуқий ҳолатига алоҳида эътибор берилиб, аграр соҳада ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида 1998 йилда Ер кодекси қабул қилинди. Шунингдек, ер билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда **«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»**, **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**, **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»** ва **«Давлат ер кадастри тўғрисида»**ги қонунлар муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 19 мартдаги қарори билан тасдиқланган 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури ҳамда Мелиоратив объектларни молиялаштириш соҳасининг капитал қурилиш соҳасидан тубдан фарқ қилинишини ҳисобга олиб ва ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни молиялаштиришни таъминлашнинг барқарор механизмини яратиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларни харажат қилиш тартиби ҳақида»ги Низоми ишлаб чиқилди.

Мазкур дастур доирасида мелиорация тармоқларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш бўйича тадбирларни амалга оширишга ягона ер солиғи тушумлари ва мақсадли бюджет ажратмалари ҳисобига ташкил этилган махсус Жамғарма орқали зарур ҳажмда маблағлар йўналтирилиши белгиланган. Таъкидлаш жоизки, ушбу дастурни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

2009 йилда мамлакат иқтисодиётининг реал секторини фаол қўллаб-қувватлаш натижасида бюджетдан ажратилган маблағлар миқдори 1261,2 миллиард сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,6 фоизни ташкил этди. Ушбу маблағларнинг 905,4 миллиард сўми қишлоқ ва сув хўжалиги таъминотига йўналтирилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури бўйича 2009 йилда 130,0 миллиард сўм ва 2010 йилда эса давлат бюджетидан 150,0 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километр коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та вертикал дренаж қудуқлари, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. 2009 йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш учун 108,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва фермер хўжаликларининг даромадини оширишда муҳим омил бўлди.

2009-2010 йилларга белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида республикамиз бўйича 450,0 минг гектардан зиёдроқ майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда. Республикада ўтказилган гидрогеологик изланишлар, мелиоратив тадбирлар амалга оширилган коллектор тармоқларининг хизмат кўрсатадиган майдонларида ерости сизот сувлари сатҳи ва тупроқ шўрланиш даражасининг пасайиши, қишлоқ хўжалигининг ҳосилдорлик даражаси кўтарилганлиги кузатилган. Ўтган 2 йил давомида амалга оширилган мелиоратив тадбирлар доирасида 818,3 минг гектар майдонда жами 24,6 минг километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларида тизимли таъмирлаш-тиклаш, янгидан қуриш ва қайта қуриш ишлари амалга оширилган бўлиб, натижада республика бўйича ерости сизот сувларининг критик сатҳи анча камайган.

Мелиоратив тадбирлар амалга оширилган ҳудудларда кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 32,6 минг гектарга камайиб, кучсиз ва шўрланмаган майдонлар шу миқдорда ошган. Бунинг натижасида айнан мелиоратив тадбирлар амалга оширилган ҳудудларда пахта ҳосилдорлиги гектарига 1,8-2,0 центнерга ва бошоқли дон маҳсулотлари 2,8-3,1 центнерга ортган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалаларини ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи ердан оқилона фойдаланиш мақсадида Ер кодексини такомиллаштириш, шунингдек, янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни мақсад қилган.

Зеро, ерга оид қонунчиликнинг бугунги кун талабидан келиб чиқиб янада такомиллаштирилиши, ерга бўлган муносабатни яхшилашга эътибор қаратилиши умумманфаатларимизга хизмат қилади.

**Сиддиқжон АБДУБОҚИЕВ,**
**Қобилжон ТОШМАТОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси**
**депутатлари**

*Qonun ko`magi*

**Маълумки, миллий иқтисодиётимизнинг муҳим таянчи бўлган тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунда, айниқса, Президентимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлаётир.**

# Мониторинг ва таҳлиллар

## тадбиркорлик субъектлари манфаатлари ҳимоясига қаратилган

Дарҳақиқат, ушбу қарор тадбиркорлик субъектларига бир қатор қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратишни кўзда тутади. Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан мазкур қарор ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари тикланиб, айбдор шахсларга нисбатан белгиланган тартибда чора кўрилаётир.

Мисол учун Гурлан тумани ҳокимлиги томонидан Сахтиён қишлоғида жойлашган «Аму» фермер хўжалигининг фаолият йўналишини ўзгартириш ва унга ижара асосида ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилган.

Аниқроқ айтганда, хўжалик раҳбарининг 2009 йил 18 июндаги аризаси ва комиссия хулосаларига асосан, 2009 йил 8 июлда хўжаликнинг йўналишини ўзгартириш ва ер майдони ажратиб бериш ҳақида ҳокимнинг қарори қабул қилинган.

Ушбу қарорга мувофиқ, ҳокимлик ер захирасидан 10,9 гектар (шунинг 10 гектари экин майдони) ер майдони фермер хўжалигига ижара усулида ажратиб берилган. Ер ажратиш қонуний равишда амалга оширилган эса-да, қонунбузилишига бошқача тарзда йўл қўйилган. Яъни Ер кодексида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар фермер хўжаликларига узоғи билан эллик йилгача, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши қайд этилган. Бироқ Гурлан тумани ҳокимининг ушбу қарорида «Аму» фермер хўжалигига ер майдони атиги 1 йил муддатга ижарага берилиши белгиланган.

Адлия бошқармаси томонидан мазкур қарорни бекор қилиш орқали қонунга мувофиқлаштириш ҳақида Гурлан тумани ҳокими номига киритилган тақдимнома ижроси тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суд туман ҳокимининг ушбу қарорини қисман ҳақиқий эмас, деб топди.

Тадбиркорлик ривожида банклар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шу боис вилоят адлия бошқармасининг иш режасида банкларнинг қонунларга риоя этиши юзасидан ҳам мунтазам равишда ўрганишлар ўтказиш белгиланган. Шунга асосан, «Халқ банки»нинг Гурлан филиалида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси таҳлил қилиниб, филиал томонидан тадбиркорларга сифатли банк хизматлари кўрсатишда қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, Гурлан туманидаги «Дониёрбек» ҳамда «Қадамбой Алибек» хусусий корхоналари раҳбарларининг мурожаатларига асосан кредит маблағи ажратиш ва бу ҳақда ҳужжатларни расмийлаштиришда тадбиркорлардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган. Натижада Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $241^1$-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган «Халқ банки»нинг Гурлан филиали кредитлаш бўлими бошлиғи Д.Собировга нисбатан жиноят ишлари бўйича Гурлан тумани суди томонидан жарима жазоси қўлланилди.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти қонун ҳимоясида бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида адлия идоралари томонидан мунтазам равишда ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилаётгани фикримиз исботидир. Албатта, бундай саъй-ҳаракатлар тадбиркорлик соҳасининг янада ривожланишида муҳим омил бўлади.

**Қаҳрамон МАШАРИПОВ,**
**Хоразм вилояти адлия**
**бошқармаси**
**масъул ходими**

*Qilmish-qidirmish*

**Бу ҳаётда аёлнинг қадр-қиммати, шаъни ҳамиша улуғланиб келинган. Бу мўътабар зот ҳақида шоиру фузалолар шоҳона байтларни битган бўлса, аҳли донишлар ибратомуз ҳикматларни зуҳур этган.**

**Ахир, аёл фарзандларимиз онаси, тарбиячиси, оиламиз таянчи. Айниқса, бугунги кунда аёллар нафақат оилада, балки жамиятда ҳам ўзига хос ўрин тутади. Дарвоқе, ҳаётнинг қайси бир жабҳасига назар ташламанг, унда аёлларимизнинг фидойилигини дилдан ҳис этасиз.**

# Фириб

Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, оқила, ишбилармон аёлларни истисно этмаган ҳолда «тадбиркорлик» ниқоби остида нопок йўл билан бойлик орттириш илинжида бўлган, аниқроғи, ўз ҳавойи нафсларининг қурбонига айланаётган хотин-қизларнинг ҳам аҳён-аҳёнда учраб турганлиги ачинарлидир.

Эндигина ўттиз беш ёшни қаршилаган Манзура Ҳамидова ҳукуматимизнинг тадбиркорларга берилган кенг имкониятларидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотларига ихтисослашган тайёрлов-савдо ҳамда ишлаб чиқариш хусусий фирмасини ташкил этди. Мазкур фирмани бинойидай бошқариб юрган Манзурани ҳавойи нафсга берилиши йўлдан оздирди. Очиғи, у нопок йўл билан бойлик орттириш пайида товламачилик ва фирибгарликни ўзига «касб» қилиб олди. Соддадил, ишонувчан одамларни топиб, уларни бирин-кетин макр «тўр»ига илинтира бошлади.

Дастлаб унинг «тузоғ»ига Китоб шаҳрида яшовчи Дилафрўз Жумаева тушди. У Дилафрўзнинг ҳали қурилиши бошланмаган ер участкасини сотиш нияти борлигини аллакимдан эшитиб, дарҳол унинг олдига йўл олди.

— Сингилжон, участкангизни сотиб, пулига «дом» олишингизни эшитиб келдим, — дея гапни узоқдан бошлади Манзура. — Келинг, сизга бир яхшилик қилай. Агар истасангиз, танишларимдан бирига участкангизни сотамиз-да, унинг пулига шаҳардаги кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан бирини олиб бераман.

— Қанийди, шундай ёрдам қилсангиз, — деди унга жавобан Дилафрўз. — Бу яхшиликларингизни бир умрга унутмасдим, опажон!

Шундан сўнг бирданига «харидор» ҳам топилди. Ер участкасини 2 миллион сўмга сотган Дилафрўз пулни қўш-қўллаб Манзурага тутқазди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, Манзура яна Дилафрўзнинг эшигида пайдо бўлди. У уй олиш учун участканинг пули етмаётганлигини айтиб, Дилафрўздан қимматбаҳо тақинчоқларини ҳам беришини сўради. «Ҳожатбарор» опанинг қоп-қоп ваъдаларига ишонган Дилафрўз бисотидаги бор тилла тақинчоқларини 5 миллионга ҳисоблаб, Манзурага қандай топширганини ўзи ҳам сезмай қолди...

«Ов»и бароридан келаётган Манзура навбатдаги «нишон»га қўшни Шаҳрисабз шаҳрида истиқомат қиладиган Сайёра Искандаровани танлади. Унинг ҳовли сотиб олиш мақсадида кўп қаватли уйлардаги хонадонини 16 миллионга сотганлигини эшитиб, агар 8 миллионни қарзга бериб турса, қурилиши битган янги иморатлардан бирини олиб беришга уни ишонтириб, айтилган суммани хамирдан қил суғургандек осонгина олиб кетди.

Худди шунингдек, Шаҳрисабз туманига қарашли Чуқур қишлоғида яшовчи фуқаро Жуманазар Тошевни Манзура ўзининг хусусий чойхонасига чақириб, гўшт маҳсулотлари сотиб олиш учун пул керак бўлаётганлигини, ушбу гўшт маҳсулотларини қайта ишлаб, сотганидан кейин олинган қарзни устама фоизи билан қайтаришни ваъда қилиб, унинг 6 миллион 450 минг сўмини қўлга киритди.

*Hikmat*

## ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

***Куч — ақлда. Ақлсиз бош бамисоли шамсиз чироқ.***

* * *

***Ҳамма иш қўлимдан келади, дея кибрга берилма. Мақсадга ақл ва идрок билан эришилади.***

* * *

***Кўнгил тиниқ ойнадир. Қандай фазилат ёки разолат бўлса, унда ошкор бўлади.***

* * *

***Суҳбатни ақл эмас, ўзаро ишонч ҳамма нарсадан кўпроқ қизитади.***

* * *

***Сен енгилмас, қадрли, обрўли инсон бўлишни истасанг, дўст топ, дўстликни мустаҳкамла.***

* * *

***Дил гўзаллиги билан йўғрилмаган ташқи ҳусн мукаммал бўла олмайди.***

*2010-yil — Barkamol avlod yili*

# Юртимиз келажагининг мустаҳкам пойдевори

## бу — соғлом, билимдон ва баркамол ёшлардир



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бундай муваффақиятларнинг бош омили, албатта, она ва бола саломатлигини муҳофазалашга қаратилган юксак эътибордир. Бугун мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борманг, замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган тиббиёт масканлари самарали фаолият юритаётганига гувоҳ бўласиз. Жумладан, Фарғона вилояти Қувасой шаҳрида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси тиббий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланди. Арсиф, Янгиер, Пастки Валик қишлоқ врачлик пунктлари компьютер жамланмаси билан таъминланди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан бири бу — ёшларни иш билан таъминлашдир. Зеро, бу уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиши, олдига қўйган мақсад ва режаларини амалга ошириши, қолаверса, жамият ривожига ҳисса қўшишининг энг муҳим омилидир. Шу боис бу вазифанинг ижросига алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларимиз учун янги иш ўринлари яратишга, уларни тадбиркорликка жалб этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада етти юз нафарга яқин ёш мутахассис турли йўналишларда фаолиятни бошлади.

Кам таъминланган оилаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор қишлоқларда хатна тўйлари ва никоҳ тўйлари ўтказилди. Шунингдек, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган оилалар фарзандлари спорт кийимлари билан таъминланди. Арсиф қишлоқ фуқаролар йиғинида «Баркамол авлод — мамлакат келажаги» шиори остида ёшлар форуми ўтказилиб, унда ёшлар ўртасида спортнинг 12 тури бўйича мусобақалар, расмлар кўргазмаси, миллий ҳунармандчилик намуналари намойиши, мусиқий томошалар ўтказилди.



Барча корхона, ташкилотлар, маҳалла ва қишлоқларда касб-ҳунар коллежлари, таълим муассасаларида ёшлар маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида мунтазам равишда давра суҳбатлари, учрашувлар, тадбирлар ташкил қилинаётир.

Буларнинг барчаси баркамол ва ёш авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг узвий давоми бўлиб, порлоқ келажагимиз фаровонлигига хизмат қилади.

**Алфия ҚОСИМОВА,**
**ҳуқуқшунос**



# Шахмат ҳангомалари

**(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)**

X X X

Александр Алёхин Савелий Тартаковер билан ўйналаётган партиясини нажотсиз бир аҳволда кечиктиради. Эртаси куни эса турнир ўтказилаётган залга келиб ўйинни давом эттирмасдан партияни топширади.

— Нега энди Алёхин кеча таслим бўла қолмади? — деб сўрашади Тартаковердан.

— У мен айтган мана бу ҳикматга биноан жуда тўғри иш қилди: «Ҳали биронта партия таслим бўлиш орқали ютилмаган». Алёхин келиб қарасаки, мен ҳали ўлмаганман, аксинча, тирик эканман, шу боис виждонан таслим бўлди.

X X X

Алёхин турнир ўтказилаётган бинога кираётганда ундан бир одам дастхат сўраб қолади. Шунда жаҳон чемпиони ҳазиломуз оҳангда гап қотади:

— Биласизми, менинг дастхатим уч юз доллар туради!

Чемпионга мурожаат қилган одам ҳазилни тушунмасди, қолаверса, миллионер эди. Шу боис у ўйлаб ҳам ўтирмай ҳамёнидан сўралган пулни олиб узатади. Алёхин шу заҳоти бу пулни турнир қўмитаси ихтиёрига бериб, ушбу совринни бугун биринчи бўлиб ғалаба қозонган шахматчига топширишни илтимос қилади. Соврин Тартаковерга насиб этади. Хуллас, гроссмейстернинг роса омади чопади. Биринчидан, бунча пул ўша даврда каттагина маблағ ҳисобланарди, иккинчидан, у ҳамиша камхаржликдан қийналиб юрарди.

X X X

Тартаковер бир турнирда Нимцович билан ўйнаётганди. Рақиби ўзига бир стакан чой буюради. Шакарни аралаштираётиб қошиғи билан стаканни тиқирлатиб туради. Тартаковер: «Рақибим атай менинг асабимга тегаяпти», деб ўйлайди. Эгри қозиққа эгри тўқмоқ! У ҳам ўзига буюртма беради — чойсиз, қошиқли стакан буюради ва рақибининг нағмасига жўр бўлиб у ҳам тиқирлата бошлайди. Иш жанжалга айланай деганда гроссмейстерлардаги ҳазил туйғуси устун келиб, кулиб юборадилар ва тезда дурангга имзо чекадилар.

X X X

Тартаковер сеанс бераётганда унинг рақибига қаҳва келтиришади. У эса қаҳвани паришонхотирлик билан оқ сипоҳларнинг ёнига суриб қўяди. Сеансчи навбатдаги юришни қилиш учун келганда ҳалиги қаҳвани менга келтиришибди, деб ўйлайди-ю ичиб юборади. Рақиби эса одоб билан жимиб қолади, аммо гроссмейстер унинг авзоидан гап нимадалигини дарров пайқайди. Ўйинчилар даврасини яна бир карра айланиб келгач, у фарзинни қурбон қилиб мот эълон қилади.

— Мен қаерда хато қилдим экан? — деб сўрайди сеанс қатнашчиси ўйиндан кейин.

— Сиз унутиб қолдирдингиз, — Тартаковер дарҳол жавоб қилади.

— Менимча, ҳеч нарсани унутиб қолдирмадим, шекилли? — ҳайрон бўлади рақиби.

— Сиз қаҳвани қолдириб кетдингиз: Мана шу сизнинг энг катта хатоингиз бўлади, — дея тушунтиради гроссмейстер.

X X X

Машҳур гроссмейстер Шпильман мухлислар билан шахмат сеанси ўтказгандан сўнг иштирокчилар ундан биргаликда эсдалик учун суратга тушишни илтимос қилишади. Розилиги олингач, гроссмейстерни ўртага олиб суратга тушадилар. Қизиғи шундаки, сурат тайёр бўлгач, қарасалар, у ерда Шпильман мутлақо йўқ экан. Шунда дарҳол сураткашни чақириб нима гаплигини суриштирадилар. У эса айбини бўйнига олиб шундай дейди:

— Ҳалиги ўртага сурбетлик билан ўтириб олган бақалоқ одамни айтяпсизларми? Э, башараси умумий манзарани бузиб тургани учун уни ретуш қилиб, олиб ташладим. Кўриниши ҳам кулгили ва беўхшов эди-да!

X X X

Геза Мароци билан Рудольф Шпильман ўзаро шахмат суришаётганда гроссмейстер Савелий Тартаковер бир четда ўйинни кузатиб турарди. Бир маҳал у Шпильманга қандай юриш кераклигини ўргатиб қолди:

— Сизнинг ўрнингизда бўлсам, отни ана бу бурчакка юрардим.

— Э нималар деб валдираяпсиз! — деди Шпильман тутоқиб. — Бу жуда аҳмоқона юриш-ку!

— Ахир, мен «Сизнинг ўрнингизда бўлсам» дедим-ку! — деди ўргатувчи ва ўз ҳазилидан мамнун бўлиб кулиб қўйди.

X X X

Алёхин бир мусобақада ўз партиясини қийин аҳволда кечиктиради. Унинг рақиби бўлган кучли шахмат устаси Тартаковердан сўрайди:

— Сизнингча, ким ютади?

— Албатта, Алёхин-да! — Тартаковер ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб беради.

— Нега энди? — шахматчининг жиғибийрони чиқади. — Ахир, менинг позициям яхшироқ-ку!

— Тўғри, аммо сиз позиция ҳақида эмас, ким ютишини сўрадингиз...

Тартаковер ҳақ бўлиб чиқади. Ўйин давом эттирилганда Алёхиннинг рақиби узоқ қаршилик кўрсатолмади.

X X X

Тарраш Ейтснинг халқаро турнирда қатнашишига қарши чиқади.

— Ўйини бўш, бунақа нуфузли мусобақаларга қатнашишга ҳали тайёр эмас! — дейди шахмат тожига даъвогар бўлган гроссмейстер.

Дарҳақиқат, охир-оқибат турнирга зўрға қўйилган Ейтс мусобақада охирги ўринни эгаллайди. Аммо битта партияни жуда қойилмақом қилиб ютади. Мағлуб бўлган шахматчи... Тарраш эди!

X X X

Гроссмейстер Боголюбой анча семириб кетганди. Амстердамдаги турнирда уни кўпдан буён кўрмай юриб учратиб қолган Бернштейн шундай хитоб қилади:

— О, қанчалик ўзгариб кетибсиз, ҳамкасб! Худди қўшалоқ бўлиб қолган пиёдаларга ўхшайсиз!

***(Давоми бор)***

**Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.**

*Mulohaza*

**Халқимиз болани ниҳолга, ота-онани эса боғбонга қиёслайди. Бунинг замирида, табиийки, катта маъно-мазмун мужассам. Боғбоннинг мунтазам парвариши, соҳибкорлиги туфайли ниҳол бақувват, азим дарахтга айланади. Худди шундай, бола ҳам ота-онасидан ибрат олиб улғаяди, меҳр-муҳаббат гўдак вужудига она сути ва алласи билан сингади.**

# Тарбия йўлидаги ҳамкорлик

## ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз

Бола вояга етган сайин қалбида ниш урган эзгулик куртакларини ота-она парваришлаши керак. Шундагина фарзанд оиласига ҳам, жамиятга ҳам наф келтирадиган инсон бўлиб вояга етади. Қобил, хушфеъл, касб-ҳунарли ўғил-қиз ҳам ўзининг, ҳам ота-онанинг юзини ёруғ қилади.

Аммо ҳаёт йўллари текис эмас. Баъзида бола шўхлик қилиб, баъзида ўйинқароқлик туфайли билиб-билмай қалтис қадам қўйиши мумкин. Бунга мисол тариқасида Ғиёс Жабборовни олайлик. Коллежнинг иккинчи босқичида таҳсил олаётган Ғиёс жамоат жойида С.Ибодуллаевни урибдўппослаган. Оқибатда жабрланувчига шикаст етган.

Жабрланувчи С.Ибодуллаев дастлабки терговга ва судга ихтиёрий равишда ариза билан мурожаат қилган. Аризада у гумонланувчи - вояга етмаган Ғ.Жабборовнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, кечирим сўраганлиги, даволаниши учун сарф қилинган дори-дармон харажатлари, етказилган бошқа моддий зарарни тўлиқ бартараф қилганлигини, улар ўзаро ярашганлигини, ярашув чоғида ҳеч ким унга тайзиқ ўтказмаганлигини баён этиб, Ғ.Жабборовга нисбатан жиноят ишини Жиноят кодексининг $66^{1}$-моддасига асосан иш юритувидан тугатишни сўраган.

Ўз навбатида Ғ.Жабборов қонуний вакили, отаси А.Саъдинов иштирокида дастлабки тергов ва судга ихтиёрий равишда ариза билан мурожаат қилган. У ўз аризасида ва суд мажлисида баён қилинган кўрсатмасида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдирди. Жабрланувчига етказилган моддий зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилганлиги, кечирим сўраганлиги, жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини тасдиқлаб, ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида иш юритувидан тугатишни сўради.

Шу тариқа қонунларимизда акс этган бағрикенглик тамойиллари вояга етмаган бир шахснинг тўғри йўлга тушиб олишига имконият берди.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, туман судида кўрилаётган вояга етмаганлар билан боғлиқ ишлар тобора камаймоқда. Хўш, вояга етмаганлар жиноятчилигининг камайиши қандай омилларга боғлиқ?

Биринчидан, мактаб, коллеж, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмоғи даркор. Бу ҳақда жойларда ташкил этилаётган учрашувларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари болалар ўртасида содир этиладиган жиноятларни бартараф этишда ҳуқуқ-тартибот ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг ҳамкорлиги қўл келади. Жумладан, ҳар чоракда туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишлари ўтказиляпти. Унда туман прокуратураси, ички ишлар бўлими ва участка нозирлари, терговчилар иштирок этиб, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилишмоқда. Ҳамкорлик натижасида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг камайишига эришилмоқда.

**Ҳасан МАҲМУДОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Нарпай тумани судининг раиси**




*Jinoyat va jazo*

# Виждон талаби




**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Ҳолбуки, амалдаги қонунда икки ёшгача бола парваришлаш учун нафақа пули ажратиш махсус комиссия томонидан оила шароити ўрганилгандан сўнг берилиши белгилаб қўйилган. Шунга қарамай Жамила Раъно Саидовани ишончини суистеъмол қилиб, ундан олган 70,000 сўмни ўзининг эҳтиёжи учун сарфлаб юборади.

Кейинчалик эса нафсининг йўриғидан чиқмай қолган Ж.Мелибоева бундай қилмишларини имижимида амалга ошириш учун ўзига «ишончли» шерик топиш зарурлигини англайди ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси Юсуф Ботировга «дарди»ни айтади.

Буни қарангки, масъулиятли лавозимда фаолият юритаётганига қарамай, Ю.Ботиров ҳам ноқонуний қилмишдан бош тортмайди. Аксинча, ҳамтовоғи билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги **«Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, 1994 йил 24 августдаги **«Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»**ги қарорлари ҳамда Президентимизнинг 2002 йил 25 январдаги **«Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»**ги Фармони талабларини қўпол равишда бузади. Улар Раъно Саидованинг номидан сохта ариза ёзиб, махсус комиссия аъзолари имзоларини қалбакилаштириш йўли билан 590,390 сўмни талон-торож қилишади.

Таассуфки, бу Ж.Мелибоеванинг жиноий фаолиятининг биргина қирраси эди. У Феруза Юсупова, Райҳона Комилова, Дилдора Шукуровадан ҳам 100,000 сўмдан олади, бу ҳам етмагандек, давлатнинг 785,060 сўмини растрата йўли билан ўзлаштиради.

Ширинсўзлик, ёлғон бўлса-да, мулойимлик билан муомала қилишни «қурол» қилиб олган фирибгарларнинг тузоғига Зоҳида Қурбонова, Юлдуз Эркинова, Лола Бобурова ҳам илинади. Ҳамтовоқлар бу фуқаролар номига ҳам икки ёшгача нафақа пулини сохта ҳужжатлар асосида тайинлаб, давлатнинг 897,250 сўм пулини талон-торож қилишади.

Дарҳақиқат, кўза кунда эмас, кунида синади, деб бежиз айтишмаган. Одамлар ишончини суиистеъмол қилган бу кимсаларнинг ҳам жиноий фаолияти ниҳоят фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди ушбу жиноий қилмишни батафсил ўрганиб чиқиб, айбдорларга тегишли тартибда жазо чораси тайинлади.

**Машраб МИРЗАЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Ангрен шаҳар**
**судининг судьяси**

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди жамоаси тажрибали ҳуқуқшунос Ходжамурад Тоғаевга қизи

**Холида ТОҒАЕВА**нинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Алибек ЭРГАШЕВ
Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-918. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 6038.
1 2 3 5 Топширилди: $22^{00}$